

**МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ  
ХҮҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ**

**Нематова Шахрибону Хамидовна**

Навоий вилояти юридик техникуми

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси

Навоий вилояти юридик техникуми

**Қўлдошев Қувондиқ Тошпўлатович**

Касаба уюшмаси раиси.

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.11002696>**

**Аннотация.** Меҳнат муҳофазасида меҳнат шароитлари яратши, гигиена қоидаларига риоя қилиши, назоратни қучайтириш, ходимларнинг ўз ҳуқуқларини билиши, иши берувчи ва ходим ўртасидаги мажбуриятлари, етказилган зарар бўйича ҳақ тўланишилари ҳақида сўз юритилган. Бу вазифалар иши берувчи ва касаба уюшмасининг муҳим иши ҳисобланади. Энг дорлзарб масалалардан бири бўлган вазифа ходимларнинг ҳуқуқларини, соглигини ҳимоя қилиши ҳисобланади. Меҳнатни муҳофaza қилишида қонун ҳужжатларини бузилганда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишилари ҳақида тушунча берилган.

**Калим сўзлар:** Меҳнат муҳофазаси, меъёрий ҳужжатлар, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаши-профилактика, баҳтсиз ҳодиса, белгиланган нормалар, касаллик варақаси, касб касаллиги.

**THE CONCEPT OF LABOR PROTECTION AND THE PRACTICAL  
APPLICATION OF LEGAL MEANS OF ITS ENSUREMENT**

**Abstract.** Labor protection deals with creation of working conditions, compliance with hygiene rules, strengthening of control, knowledge of employees' rights, obligations between employer and employee, compensation for damages. These tasks are the important work of the employer and the trade union. One of the most pressing issues is protecting the rights and health of employees. In case of violation of labor protection laws, it is understood that guilty persons are liable according to the established procedure.

**Key words:** Labor protection, regulatory documents, socio-economic, organizational, technical, sanitary-hygienic, treatment-preventive, accident, established norms, sick card, occupational disease.

**ПОНЯТИЕ ОХРАНЫ ТРУДА И ПРАКТИЧЕСКОЕ ПРИМЕНЕНИЕ  
ПРАВОВЫХ СРЕДСТВ ЕЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

**Аннотация.** Охрана труда касается создания условий труда, соблюдения правил гигиены, усиления контроля, знания работниками своих прав, обязанностей между работодателем и работником, возмещения ущерба. Эти задачи являются важной работой работодателя и профсоюза. Одним из наиболее актуальных вопросов является защита прав и здоровья сотрудников. В случае нарушения законодательства об охране труда подразумевается, что виновные лица несут ответственность в установленном порядке.

**Ключевые слова:** Охрана труда, нормативные документы, социально-экономические, организационно-технические, санитарно-гигиенические, лечебно-

профилактические, несчастные случаи, установленные нормы, больничный лист, профессиональное заболевание.

Меҳнат муҳофазаси ходимлар учун ҳавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш участкаларида техникавий, санитария-гигиена шароитларини таъминлаш мақсадида белгиланган стандартлар ва нормативларнинг ишлаб чиқилиши ва уларга амал қилишни таъминлашга оид иқтисодий, ҳуқукий, ташкилий чора-тадбирлар ўтказиш, меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш каби долзарб вазифалар – ҳар бир иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунида тегишли қонун ва бошқа мөъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат бўлган, республикамида фаолият юритаётган барча корхона, ташкилот ва муассасалар олдига қўйилган энг долзарб вазифалари белгилаб қўйилган. Шунингдек,

- меҳнатни муҳофазалашга доир ходимларнинг ҳуқуқлари, меҳнат шартномасини тузишида ва бошқа ишга ўтказишида меҳнат шароитлари шу жумладан, касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли тўғрисида, шу билан боғлиқ имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиниши;
- ходим иш жараёнида ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келганда иш берувчи томонидан дарҳол бартараф этилмагунча ходим иш бажаришни рад этиши мумкинлиги;
- ходимда касб касаллиги белгилари аниқланган тақдирда маъмурият тиббий хулоса асосида унга ихтисосини ўзгартиргунга қадар ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказиши лозимлиги;
- соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишига муҳтоҷ ходимлар ўз розилиги билан тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатни чекламай ана шундай ишларга ўтказилиши. бу ҳолда камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда ходимларнинг шундай ишларга ўтказилган кунидан бошлаб, икки ҳафта мобайнида аввалги ўртacha ойлик иш ҳақи сақланниши;
- сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақига қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланиши. Башарти, касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланиши;
- иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга

ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиги шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўланиши.

• Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланиши белгиланган.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, иш берувчининг ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, иш берувчи:

–корхонада хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиш;

–ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва йўл-йўриклар бериш;

– ходимларни баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш;

– мажбурий тиббий кўриклардан ўтказиш;

– меҳнатни муҳофaza қилиш тадбирларига маблағлар ажратиб бориш;

– белгиланган нормалар бўйича тегишли соғломлаштириш ва профилактик ишларни амалга ошириш;

– ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб бориш ва текшириш;

– алоҳида тоифадаги ходимларга қонунда белгиланган қўшимча кафолат ва имтиёзларни қўллаши ва меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган бошқа талабларни бажариши.

Бундан ташқари, мазкур қонунда

• ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда қоплаш;

• низоларни ҳал этиш;

меҳнатни муҳофaza қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари белгиланган.

**Маъмурий** - жамоат назорати 3 босқичдан иборат бўлади:

1-босқич - участка бошлиғи ва меҳнат муҳофазаси жамоат инспектори ҳар куни эрталаб иш бошланганда техника хавфсизлиги талабларининг бажарилишини назорат қиласди, аниқланган камчиликлар махсус журналга қайд қилинади, камчиликларни бартараф қилиш муддати ва жавобгар шахс белгиланади.

2-босқич - цех бошлиғи, меҳнат муҳофазаси инженери, катта жамоат инспектори ва техник хизмати ходимидан иборат гуруҳ ҳар хафтада цехда назорат ишларини ўтказади.

Биринчи босқичда белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қиласди.

3-босқич - корхона бошлиғи ёки бош мухандис ва 2-босқичдаги мутахассислардан иборат гуруҳ ҳар кварталда корхонада "Меҳнат муҳофазаси" кунини ўтказади.

Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларни бузганлик учун жавобгарликлар Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларни бузганда қўйидаги жавобгарлик турлари кўрилади:

1. Интизомий - айборларни огоҳлантириш, ҳайфсан бериш, ойлиги кам ишга ёки лавозимга 3 ой муддатга ўтказиш, ишдан бўшатиш.

2. Маъмурий - асосан мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилади (огоҳлантириш, танбех бериш, жарима солиш).

3. Жиноий жавобгарлик - (баҳтсиз ҳодиса юз берганда ёки юз бериши мумкин бўлганда) - мажбурий хизмат ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш.

4. Моддий жавобгарлик - корхонага моддий зарар етказилганда, шароитга қараб ўртача ойликнинг маълум бир қисми миқдорида ундирилади.

*Моддий жавобгарлик миқдорлари:* Корхонага моддий зарар етказилганда, шароитга қараб ўртача ойликнинг:

- ишчилар учун - 1/3, 2/3 ҳажмида;
- раҳбарлар учун – битта ўртача, иккита ўртача ва учта ўртача ойлик ҳажмида олиниши мумкин.
  - Ишчилар етказилган зарарни тўла қоплайди:
  - ўз иш вазифасини бажармаётганда юз берса;
  - қасдан зарар етказилса;
  - маст ҳолда бўлса.
- Моддий жавобгарлик юқоридаги 3 та жавобгарликка боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келади.

#### **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

#### **Интернет сайтлари**

3. [Http://www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти).